

XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

1 БЎЛIM. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР СОНИ

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, минг бирликда)



Мамлакатимизда кулай ишбилиар монлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўtkазиш ва хисобга кўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўtkазиш ва хисобга кўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга кўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар сони (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

	Рўйхатдан ўтган корхоналар	50 194	118,7 %	
	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	44 008	119,5 %	
	Янги ташкил этилган корхоналар (2020-yilda)	6 349	85,6 %	

Юридик шахс:

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** хисобланади.


Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



масъулияти чекланган жамият,
минг бирлик



хусусий корхона,
минг бирлик




Масъулияти чекланган жамият


Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушиларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг маъжбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боялиқ зарарлар учун ўзлари қўшиган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссанини тўла қўшимаган иштирокчилари жамият маъжбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссанининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 октябрь ҳолатига кўра)



Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-хуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Акциядорлик жамияти:


Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият – акциядорлик жамияти хисобланади – акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлик зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.


Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони


(январь-сентябрь ойларида, минг бирликда)



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ойларида, бирликда)




Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби
(2020 йил январь-сентябрь ойларида, умумий сонидаги улуши)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 349 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 4 746 та, хусусий корхоналар 491 та, оилавий корхоналар 954 та, муассасалар 59 та ва бошқалар 99 тани ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар таркиби (1 октябрь ҳолатига кўра)



Саноат йўналишида фаолият кўрсатा�ётган корхона ва ташкилотлар сони (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь холатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 8 370 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,4 % га ошди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (кайта ишлаш) саноатда – 114,9 % га (жами саноатдаги улуши 92,0 %), тоф-кон саноати ва очик конларни ишлашда – 122,5 % га (жами саноатдаги улуши 4,9%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 131,5 % га (жами саноатдаги улуши 0,8 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқинциларни утилизация қилишининг – 117,5 % га (жами саноатдаги улуши 2,2 %) ўсишидир.

Қурилиш фаолияти билан шүгүлланаётган корхона ва ташкилотлар сони *(1 октябрь ҳолатига күра, бирликда)*



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 3 440 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,3 % га ошди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бино ва иншоотлар қуришда – ўтган йилга нисбатан 113,8 % га (жами қурилишдаги улуши 54,0 %), фуқаролик обьектларини қуриш – 134,0 % га (жами қурилишдаги улуши 7,4 %), ихтинослаштирилган қурилиш ишларининг – 125,2 % га (жами қурилишдаги улуши 38,6 %) ўсишидир.

Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 115,8 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 127,6 % га ошли.

Жами савдо корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайиши-нинг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 131,1 % га (жами савдодаги улуши 62,9 %), автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 119,8 % га (жами савдодаги улуши 28,9 %), автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлашнинг ўтган йилга нисбатан – 131,8 % га (жами савдодаги улуши 8,2 %) ўсишидир.



- Автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи
ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш
 - Автомобил ва мотоцикллар савдосидан
ташқари улгуржи савдо
 - Автомобил ва мотоцикллар савдосидан
ташқари чакана савдо

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)**

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият

860



- Яшаш учун жой билан таъминланган ҳолда парваришлаш

23



- Яшаш учун жой билан таъминланмаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш

23



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



283

Яшаш бўйича хизматлар



2 931

Озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 3 214 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,1 % га ошди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар – 114,7 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 91,2 %), яшаш бўйича хизматларнинг – 132,9 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 8,8 %) ўсишидир.

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият қўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирлиқда)**



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 533 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,9 % га ошиди.

Жами ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили кино – видеофильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусиқали ёзувларни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар ўтган йилга нисбатан – 150,0 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 4,5 %), ахборот соҳасидаги хизматлар ўтган йилга нисбатан 126,2 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 14,4 %), нашриётчилик хизматлари ўтган йилга нисбатан – 133,3 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 18,8 %), дастурлар тузиш ва телерадио эшиттиришлар бўйича хизматлар – 100,0 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 0,9 %), компьютер дастурлаштириш хизматлари ўтган йилга нисбатан – 107,5 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 32,1 %), телекоммуникация хизматларининг – 114,7 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 29,3 %) ўсишидир.

Оилавий корхоналар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-хукукий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 4 017 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 533 тага ёки 161,7 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 1 385 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 385 тага ёки 162,1 % га ошганлигини кўриш мумкин.


2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 954 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 272 тага ёки 139,9 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятлар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий - хукукий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра 31 262 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 5 991 тага ёки 123,7 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 27 732 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 5 472 тага ёки 124,6 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 4 746 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 576 тага ёки 10,8 % га камайган.



Кичик тадбиркорлик субъектлари сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



**2 БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ
ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР СОНИ
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)**



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра 1 417 тани ташкил этиб, улардан 1 281 таси ёки 90,4 %и фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 231 тага ёки 119,5 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятимизда 114 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.


**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ойларида, бирликда)**



Тошкент вилоятида МДҲ давлатларининг капитали иштирокида
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

Мамлакатлар	Жами	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
1 	Россия Федерацияси	189	112 77
2 	Қозоғистон Республикаси	116	68 48
3 	Тожикистон Республикаси	18	10 8
4 	Украина Республикаси	13	5 8
5 	Қирғиз Республикаси	10	8 2
6 	Озарбайжон Республикаси	9	2 7
7 	Беларус Республикаси	7	6 1
8 	Арманистон Республикаси	6	2 4
9 	Латвия Республикаси	5	4 1
10 	Молдова Республикаси	4	3 1

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг
давлатлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)**




**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)**

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жами	544	583	782	1 066	1 281
шу жумладан:					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	40	53	68	104	126
саноат	352	369	491	628	696
курилиш	9	12	20	38	58
савдо	71	71	109	159	228
ташиш ва сақлаш	12	13	17	18	23
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7	12	13	20	26
ахборот ва алоқа		1	1	5	3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	4	8	11	14
башқа турлар	49	48	55	83	107

З БҮЛІМ. ҲУДУДЛАР БҮЙИЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ


Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



**Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштироқидаги
фаолият күрсатаётган корхоналар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига күра, бирликда)**

	Жами	шундан:	
		құйшма корхона	хорижий корхона
Тошкент вилояти	1 281	647	634
Оққүрғон тумани	12	5	7
Охангарон тумани	78	33	45
Бекобод тумани	10	7	3
Бўстонлиқ тумани	51	27	24
Бўка тумани	11	7	4
Қуичирчиқ тумани	44	24	20
Зангиота тумани	164	76	88
Юқоричирчиқ тумани	104	54	50
Қибрай тумани	128	67	61
Паркент тумани	26	15	11
Пискент тумани	19	11	8
Ўртачирчиқ тумани	83	40	43
Чиноз тумани	18	10	8
Янгийўл тумани	78	30	48
Тошкент тумани	69	43	26
Нурафшон шаҳри	57	27	30
Олмалиқ шаҳри	42	12	30
Ангрен шаҳри	87	56	31
Бекобод шаҳри	22	16	6
Охангарон шаҳри	46	21	25
Чирчиқ шаҳри	77	48	29
Янгийўл шаҳри	55	18	37

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони
 (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




**Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг
худудлар кесимида сони**
 (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида жамидаги улуши Зангиота 12,9 %, Қибрай 10,0 %, Тошкент 7,0 %, Янгийўл 6,1 %, Ангрен ш. 6,0 %, Чирчик ш. 7,1 %, Ўртачирчик 5,4 %, Юқоричирчик 5,2 %, Паркент 4,4 %, Олмалиқ ш. 4,2 %, Бўстонлиқ 4,0 %, Янгийўл ш. 3,3 %, Кўйичирчик 3,1 %, Бекобод ш. 2,8 %, Бўка 2,8 %, Оҳангарон 2,8 %, Пскент 2,7 %, Нурафшон ш. 2,5 %, Оҳонгарон ш. 2,5 %, Чиноз 2,4 %, Бекобод 2,2 % ва Оққўргон 2,1 % ни ташкил этади.

**Худудлар кесимида жами хорижий капитал иштироқидаги корхоналарниң
қўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, жамига нисбатан улуши % да)**



2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш** ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони (2020 йил январь-сентябрь ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар худудлар кесимида асосан Ўртачирчик (18,6 %), Оққўргон (13,4 %), Бўстонлиқ (8,9 %), Юқоричирчик (7,9 %), Зангиота (6,5 %), Янгийўл (5,3 %), Паркент (5,1 %), Тошкент (5,0 %), Қибрай (4,6 %), Нурафшон (4,3 %) ва Чиноз (3,2 %) улушга эга.

Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, бирликда)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молияхўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микро фирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.